

2022 йил 17-октябр

## Бош вазир ўринбосари - энергетика вазири Жўрабек Мирзамаҳмудов бошчилигидаги ишчи гуруҳ аъзолари «Қўнғирот сода заводи» МЧЖ ҚКга ташриф буюрди



Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ёқилғи-энергетика ва кимё соҳаларини ривожлантириш бўйича ўринбосари - энергетика вазири Жўрабек Мирзамаҳмудов бошчилигидаги ишчи гуруҳ ҳудудларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини ўрганиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.

Ташриф давомида ишчи гуруҳ аъзолари «Кўнғирот сода заводи» МЧЖ ҚҚда ҳам бўлишди. Корхона фаолияти ҳамда кўрсаткичлари Жўрабек Мирзамахмудов томонидан танқидий ва таҳлилий муҳокама қилинди ҳамда «Кўнғирот сода заводи» МЧЖ ҚҚнинг ишлаб чиқариш бўйича бош директор ўринбосари – бош муҳандиси ишдан олиниб, корхонанинг Ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Шухрат Шамуратов, ишлаб чиқариш бўйича бош директор ўринбосари – бош муҳандис лавозимига тайинланди.

Шу билан бирга, ишчи гуруҳ аъзолари «Элабад» ШФЙ ҳудудида барпо этилаётган «Янги Ўзбекистон» массиви ҳамда Халқаро логистика маркази қурилиш майдонларида бўлиб, жойларда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишишди. Лойиҳаларни юқори сифат ва халқаро стандартлар асосида қуриш, ишларни янада жадаллаштириш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.







## «Ўзкимёсаноат» АЖ Матбуот хизмати

**source:**

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/ishchi-guruh-azolari-qungiro-t-soda-zavodiga-tashrif-buyurdu>